

Дилором БОЙРОВА

ҚУЁШ БОҒЛАРИ

Шеърлар

Қарши
“Насаф” нашриёти
2005


84(59)6-5

Инсон теварагидаги воқеа-ҳодисаларни кузатар экан, беихтиёр ҳайратга тушади ёки... Мана шу ҳис-туйғулар шеърга айланиб қоғозга тўкилади.

Дилором Бойирова ҳам ўзининг жўшқин сатрларида ўлкамизнинг қуёшли боғлари-ю, ширин-шакар болакайлари ҳамда шижоатли бунёдкор ўғлонларини фахр билан мадҳ этади.

Муҳаррир: Йўлдошбек КЕНЖА

1031491
091



Б 4702620202-332 332-2005
376 (04) 2005

©Д. БОЙИРОВА - 2005

ISBN 5-7323-0505



Дилором Бойирова, 1963 йил 8 майда Қамаши шаҳрида туғилган. 1981 йил Қарши Давлат педагогика институтининг филология факультетига ўқишга кириб, 1986 йилда муваффақиятли тугаллаган.

Айни пайтда Қамаши туманидаги 2-сонли гимназияда муаллима.

Шеърлари республика, вилоят ва туман газеталарида чоп этилган.

ВАТАН

Кўзларим кўрди,
Тупроғинг майса.
Гўзал кўринар,
Шабнамлар чайса.

Бешикларингнинг
Кўшиғи майин.
Жисмим юксалар
Эшитган сайин.

Мен битта қизинг,
Балки лоламан.
Муҳаббат отлиғ
Ширин ноламан.

Чечаклар кулиб
Нағмалар қилсин.
Кўёш боғларга
Шоҳилар илсин.

Майли, соғинч бўл,
Майли, меҳр бўл.
Қалбим талпинган
Мангу сеҳр бўл.

ҚАШҚАДАРЁ

Тоғи, чўли гўзал юртим,
Тупроғингни кўзга сурттим.
Боғларингда ажиб сурур,
Сен-ла жўшар дилда ғурур.

Осмонингда сонсиз юлдуз,
Шудрингларга очади юз.
Меҳнат қайнар ҳар гўшангда,
Дастурхонда бут ризқи-рўз.

Яхшиларнинг маконисан,
Афсоналарнинг конисан.
Мақтовингга сўз ожиздир,
Ўзбекистоним шонисан.

Соҳибқирон десам-сенсан,
Меҳмондўстсан, бағри кенгсан.
Тарихингни варақласам,
Куёшларга ёши тенгсан.

Толғларингнинг ҳайбатидан,
Бахшиларинг келбатидан,
Шоирларингнинг байтидан,
Бугун олам ҳайратланур.

Онажонлар алласида,
Аяжонлар ялласида,
Қашқадарё номинг суюк,
Қашқадарё номинг буюк.

Тоғи, чўли гўзал юртим,
Тупроғингни кўзга сурттим...

ЮРТ АСКАРЛАРИГА

Алпомиш халқимнинг суюк ўғлони,
Мангулик тимсоли, отади шони.
Эл шундай бир китоб-юраги варақ,
Жисмида яшайди қахрамон жони.

Томирингда оқар аждодлар қони,
Руҳингни қўллайди ўнлаб достони.
Ватаннинг ҳар гули, ҳар тоши азиз,
Ҳаттоки мўътабар мовий осмони.

Чечаклар ҳам сенга кўзин тикади,
Қизлар тўйларингга кашта тикади.
Бешиқлар қўшиғи қулоққа ёқар,
Гўдаклар жилмайибю тинчликка боқар.

Қай гўша омондир, эли омондир,
Уруш бўлган жойнинг ҳоли ёмондир.
Майсалар ифори баҳори билан
Баҳори йўқ юртнинг гули сомондир.

Истиқлол ўлкамга илдиз қадади,
Ўзбекистон озод дея атади.
Сен уни авайла, асра ҳамиша,
Дарз кетиб синмасин мисоли шиша.

Алпомиш халқимнинг суюк ўғлони,
Мангулик тимсоли, ортади шони.
Эл шундай бир китоб-юраги варақ,
Жисмида яшайди қахрамон жони...

ШЕЪРИМ

Сенсан шеърим -шодлигим,
Соф виждонли-поклигим.
Аламимсан тўкилган,
Гоҳо қадди бўкилган.

Гоҳ шиддатим, гоҳ зорим,
Тинчлик бермас хуморим.
Сен қалбимнинг сирдоши,
Ўй-фикримнинг йўлдоши.

Гоҳ умидсан, нетаман,
Сенинг билан кетаман.
Баъзида чалса армон,
Жонимга бўлдинг дармон.

Шеърим-кўзим қароғи,
Бўлмас умрим адоғи.
Куйла, дейман элимни,
Шунга созлай дилимни...

Сенсан шеърим-шодлигим...



НАВРЎЗ

Наврўзим, уйғондинг чаманларимда,
Мен сени онамдай дуолар қилай.
Сумалак пиширган момолар каби,
Майсалар сочини оҳиста силай.

Наврўзим, нур бўлдинг осмонларимда,
Зулматлар чекинди даралар томон.
Эзгулик улашдинг катта-кичikka,
Кўшиққа айланди орзулар ҳар он.

Наврўзим, соғинчлар юракка инди,
Сенинг висолингга ошиқдим қирдай.
Сочилган каломдир турфа чечаклар,
Нетайки ёқади барчага бирдай.

Наврўзим, ўсма қилай қошларимга,
Сенинг ҳар хил рангдор бўёқларингни.
Ахир қандоқ севмай тонглар фарзанди,
Шабнамга чўмилган қиёқларингни?..

Наврўзим, уйғондинг чаманларимда,
Мен сени онамдай дуолар қилай...



ГУЛШАНИЙ БОБО

Гуҳар сўзга аталди дарс,
Доноларни эсламоқ қарз.
Улар гулшан гулчилари,
Юлдузларнинг учкунлари.

Ул зот элнинг ижодкори,
Турли хилдир касб-кори.
Ким хотирлар дейди: “Қори”
Ҳар каломи гўё дори”.

Лирик шоир, илмий ходим,
Таржимону суюк олим.
Раис, мудир, масъул ходим,
Қирқ иш бошин тутган доим.

Шаҳрисабз она шаҳри,
Қамашиликларнинг фаҳри.
Камсуқуму нозик жисми,
Абдулладир асли исми.

Абдирахмон Фозил ўғли,
Раҳот-фароғатдан кечди.
Аруз илмин билимдони,
Муаммоли шеърни ечди.

Ниятлари бўлган эзгу,
Халқи севди шу боисдан.
Ватанини улуглади,
Кўнгли тўлди ажиб ҳисдан.

Ислом илмин яхши билар,
Ёддан ўқир Қуръонни ҳам.
Нурли йўлга бошлар экан,
Адашгану ёмонни ҳам.

Йиллар ўтди ҳамон бизга,
Йўлдош эрур ҳикматлари.
Асрларки намунадир,
Саховати, ҳимматлари...



БАҲОР

Деразамни чертади
Ўйинқароқ ёмғиринг.
Нега бунча чорлайсан,
Борми ё бирор сиринг?

Булутларинг тизгинсиз,
Чопар улоқчи отдай.
Офтобни бекитасан,
Гўё у сенга ётдай.

Қирлар сенинг ўйингми,
Гул сочасан ҳар ёнга.
Меҳмонга бориб қолсак,
Куч берасан ҳар жонга.

Гоҳо илиқ шамолинг,
Шўхликда ошиб тушар.
Тортқилаб чечакларни
Ҳаддидан тошиб жушар.

Мени ҳам қўймай сира,
Кенгликларда уч дейсан.
Ахир она-Ватан бу,
Онанг каби куч дейсан.

Деразамни чертади
Ўйинқароқ ёмғиринг...



МАЛИКАНИНГ ШЕЪРИ

Чори Имомовни эслаб...

Дадажон, қайғулар қароғимдадир,
Хазондай сочилган фироғимдадир.
Дилимнинг дарзлари қачон битгайдир,
Сиз эса энди йўқ, кўнглим кутгайдир...

Мусаффо тонларда хаёлга чўмсам,
Офтоблиғ юзларинг намоён бўлар.
Ўйлардим, сизни сира ўлмайсиз деб,
Бугун йўқлигингиз хўп аён бўлар.

Туртиб уйғотингиз йиғай ҳушимни,
Нахот сиздай бир тоғ чўккани ростдир.
Ахир кимларгадир умр бердингиз,
Сиздай боғнинг бугун юлдузи пастдир.

Йўлақдан изингиз излаб толдим,
Супуриб кетгандай совуқ шамоллар.
Тўнингиз ҳидлайман яқинлик истаб,
Тасалли беради донишманд чоллар.

Ташналигим қондирмас томчи сув ҳам,
Кўксимда қотиб қолди соғинч доғи.
Бу олам чаманларга бўркли деймиз,
Булбулимас, сайрайди гала зоғи.

Қайдасиз, отажоним, кўнглим яра,
Бу ғариб дунёнинг ғамли гулиман.
Кўёшим деб талпинсам, энди сиз йўқ,
Нетай, мен ҳам етимликнинг қулиман.

Сиз қилган эзгу иш яшамоқдадир,
Ватаннинг кўксиди, халқнинг дилида.
Биз ахир севардик сизни, отажон,
Алвидо кўшиғи кўнглим тилида...

Дадажон, қайғулар қароғимдадир,
Хазондай сочилган фироғимдадир.
Дилимнинг дардлари қачон битгайдир,
Сиз эса энди йўқ, кўнглим кутгайдир...



ҚУШЛАР

Учиб келдинг қўшиқлар билан,
Бузилмаган бўлсин инларинг.
Жуфтинг билан вужудинг илит,
Билинмасин сира тунларинг.

Учрашдинг-ку довуллар билан,
Катта-кичик овуллар билан.
Ҳайиқмадинг ҳайбатли кўлдан,
Адашмадинг адоқсиз йўлдан.

Сен билан ўт-қоқилар келди,
Тилга эзгу дуолар келди.
Боғларга ҳам эркаланганча,
Яшил-яшил зиёлар келди.

Салом, менинг оппоқ қушларим,
Салом менинг қалдирғочларим.
Ифорларга бурканганича,
Кучоқ очар хур оғочларим...

Учиб келдинг қўшиқлар билан...



ОШИҚЛАР ОҲИГА ҚУЛОҚ ТУТДИМ

Навойи ғазалин тингладим масрур,
Кўнглима навоси бахш этди сурур.

Дардима ҳар сўзин дармон этдим,
Кўзимдан томди томчи-томчи дур.

Ошиқлар оҳига қулоғим тутдим,
Ёниқ юраклари чалар эди сур.

Қулоғим тутдим қолдим балога,
Илк севгим бошини кўтарди мағрур.

Хаёлим ўғирлар ўтмиш садоси,
Ақлим қўрғонидан кетганди футур.

Ғазалдан изладим зоримга малҳам,
Ошиғим бўйнимга ташлади бир қур¹.

Дилором, энди сен қайга қочасан,
Муҳаббат қасрида кўринмаса нур?..



1. Ҳрама белбоғ

КУЛЧА НОН

Ойим ёпса ширмой нон,
Меникидир кулчажон.
Кулча жуда мазали,
Ичи тўла жиззали.

Юзида-чи, седана,
Увогин ер бедана.
Кулчани тенг бўламан,
Акамга ҳам бераман.

Бўрсулдоққина кулча,
О, ширин экан бунча!
Ойижоним, кўп раҳмат,
Тотли бўбти, дер Аҳмад.

Ойимлар кулиб дейди:
-Ёшу қари нон ейди.
Дехқон бобонг хормасин.
Буғдой экиб толмасин.

Хирмони тўлсин донга,
Зориқмайлик ҳеч нонга!..



ЭРТАК

Эртаklarнинг олами
Турли-туман гаройиб.
Ҳар гўшаси тилсимли,
Кирсанг дейсан ажойиб.

Жаннат макон боғи бор,
Ўтиб бўлмас тоғи бор.
Синовдан утказади,
Муродга етказади.

Ахлоқ, одоб, вафодан,
Мардлар чеккан жафодан.
Садоқатдан дарс берар,
Хушхулқ мевасин терар.

Тингласак кўп эртаklar,
Яхши бўлар тилаklar,
Яхши бўлса тилаklar,
Эзгуликка етаklar.



ЎГИТ

Илм берар китобим,
Сизга шундай хитобим:
-Китоб ўқинг тинимсиз,
Адашади билимсиз.

Тафаккурни ёритар,
Нодонликни аритар.
Сизни ҳар дам қўллайди,
Яхшиликка йўллайди...



2005
4154
A

Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MF

КИМЁГАР

Бизлар-чи, ёш кимёгар,
Эгалласак уни гар,
Бир кун кўриб ишимиз,
Дейсиз гўё сеҳргар.

Ҳали даврий система
Қотирар бошимизни.
Моддалар бирикиши
Оқизар ёшимизни.

Барчасига биз чидаб,
Унга берсақ меҳрни,
У ҳам бизга ўргатар
Олам-олам сеҳрни.



ҚҰНҒИРОҚ

Қўнғироғим, қўнғироқ,
Сенсан менга яқинроқ.
Жажжигина қалбимга
Солдинг ҳайрат-титроқ.

Ўқиш қандай нашъали,
Онгимизнинг машъали.
Сен туфайли дўст эрур.
Шокир, Зокир ва Али.

Қувончимиз тошади,
Баъзан ҳаддан ошади.
Шунда бизни йўқлайсан,
Андаккина дўқлайсан.

Шундай бўлгани яхши,
Хушхулқ одобнинг нақши.
Қўнғироғим, қўнғироқ,
Сенсан менга яқинроқ.



БЎРИ

Мени дейдилар бўри,
Хайвонларнинг энг зўри.
Мендан қўрқмаган ким бор,
Баъзан ўрмон менга тор.

Ўғирласам бирор қўй,
Менга бўлар роса тўй.
Бироқ ҳозир қорним оч,
Ана чўпон! Тезроқ қоч!!!



АЙИК

Мен айикман, айикман,
Бироқ сира ҳайикманг.
Ҳеч иш йўқ ўрмонда,
Юрсанг санқиб ёмон-да...

Ясайман катта қайик,
Унга ортаман асал.
Сизга ҳам бергум пича,
Бўлмайсиз сира касал.



ТУЛКИ

Мен тулкиман, мен айёр,
Сиз йўқ жойда ҳам тайёр.
Оч юрмайман, қорним тўқ,
Дунёда ҳеч дардим йўқ.

Қўшнимдир лақма бўри,
Ғоҳида қурир шўри.
Оғзидагин олдирар,
Оёғини толдирар.

Миясида ақли йўқ,
Тилидан тушмайди дўқ.
Шундан унга ишим йўқ,
Дўстлашмоққа ҳушим йўқ.



ЯЛМОҒИЗ

Ёвуз ялмоғиз исмим,
Отимга мосдир жисмим,
Сеҳру жоду қилмишим,
Нима қилсам ўз ҳушим.

Яхшилардан қочаман,
Ёмонларга ёқаман.
Қўлга тушса қўрқоклар,
Қувончдан дилим яйрар.

Болалар жуда ботир,
Билими мингга тотир.
Машаққатдан қочмайди,
Йиғлаб ёшин сочмайди.



ОЛМАХОН

Билсангиз, мен олмахон,
Ўзимгадир ўзим хон.
Кўлда доим саватим,
Нозиккина савлатим.

Спортчиман кўп чаққон,
Ёнғоқлар менга ёққан.
Сакраб шохдан шохчага,
Югураман боғчага.

Тераман писта, ёнғоқ,
Бундан кўнглим жуда чок.
Меҳнат умр безаги,
Унутмагин ҳеч ўртоқ.



ҚУЁН

Мени танийсиз аён,
Дардим этайин баён.
Юрагимда қўрқув бор,
Катта ўрмон менга тор.

Югураман-еламан,
Қайда сабзи биламан.
Мағизи жуда ширин,
Айтайин унинг сирин.

Витаминга бой экин,
Аммо еб бўлмас текин.
Ким тўкса пешона тер,
Уни мазза қилиб ер...



МУШУК

Бировлар дейди Бароқ,
Менга керакмас тароқ.
Ялаб юнгим тарайман,
Тозаликка қарайман.

Гимнастика қиламан,
У ёқ-бу ёқ юраман.
Қувсам албат етаман,
Алдаб сизни нетаман.

Сичқон билан ошнаман,
Кўрмоққа кўп ташнаман.
Бир уйчада ош еймиз,
Жон керакми, шош деймиз.



АРАЗ

Хангома

Рўзгорим каттарди деб.
Урол ака уй кўрди.
Ана-мана дегунча
Ахир тўртта тўй кўрди.
Янги ҳовли эди кенг,
Дидига хўп ёқди денг.
Уннади янги уйга,
Ва тушди минг бир куйга,
Тошу тупроқ, қум керак,
Унга анча пул керак.
Устага тўлар маош,
Ҳашарга-чи қилар ош.
Уй кўрмоқ эмас осон,
Урал ака кўп сарсон.
Тўзди янги режалар,
Маблағ анча тежалар.
Тинмади кеча-кундуз,
Учса ҳам неча юлдуз.
Иш юришиб кетмади,
Маромига етмади.
Ишнинг қолганда ози,
Хотин бўлди норози.
Тугагач эрда тузим,
Биламан деди ўзим.
Хотин гапдан қолмади,
Тортишмоқдан толмади.
Урол ака кўп хафа,
Заҳрин сочиб бир даъфа:
-Дардим сира билмайсан,
Холинг не деб сўрмайсан.
Кеча-кундуз югуриб,
Иккини учга уриб,
Топганимни кўрмайсан,
Назарингга илмайсан.
Уйку нима, билмайман,
Рўзгор деб ҳеч тинмайман.
Шу ишимга яраша,
Демадинг ҳеч бир яша.
Менинг галим қилмас кор,
Изимга қилайин зор.
Қадримни бил ахир,
Менсиз ҳаёт кўп тахир.
Дея уст-бошин олди,
Машинасига солди.

Кетди қишлоғи томон,
Майли бўлгин деб омон.
Бола-чақаси қолди,
Хотин хаёлга толди.
Акам аразлаб кетди,
Қишлоғига ҳам етди.
Уйига кирди аста,
Овози чиқиб хаста.
Чолу кампир шодланди,
Бир қучмоққа отланди.
Упди юзу кўзидан,
Бол томарди сўзидан.
Меҳмонга деб солди жой,
Дамлаб келди сўнгра чой.
Мана катта бир тугун,
Уғли об кепти бугун.
Ота-она шошишди,
Севинчи дилдан ошди.
Ота уйлар: "Кўп яхши,
Фарзандларининг нақши".
Она уйлар: "Меҳрибон,
Иўқлаб туради ҳар он.
Бироқ овқатни ташлаб,
Кетар кўнгилни ғашлаб".
Шундан она ўкинар,
Ота эса сўкинар.
..Бугун ўғли хотиржам,
Шошилмасди сира ҳам.
Овқат пишди-ейишди,
Неки бўлса дейишди.
Аммо ўғил маъюсдир,
Ҳаракати ҳам суздир.
Дарҳол англади кампир,
Неда эканлигин сир.
Ужар келини қурғур,
Ким билади, балки ғўр.
Эри қадрига етмас,
Сира ҳам тинчиб кетмас.
Шундай бир-бир ўтди кун,
Ҳеч кимдан чиқмасди ун...
Бир кун эшик тикиллар,
Кампир эса инқиллар.
Уйидан чиқди аста,
Гўё юраги хаста.
Бошлаб келди бир меҳмон,
Қайта кирди чолга жон.
Меҳмон экан ҳазилкаш,
Жилмайиб деди яккаш:

Энди менам йўлчиман,
Ростин айтсам, элчиман.
Янгам дер: "Қайтсин ортга,
Розиман ҳамма шартга".
Янги уйда тўхтар иш,
Яқин қолди ахир қиш...
Эриди Урол ака,
Суйибди семиз така.
Тугади жажжи қисса,
Охири шундай ҳисса.
Баъзида Урол акам,
Гар кўринса камдан кам,
Атрофин ўрашади,
Шундай ҳол сўрашади:
-Келин қилдими хафа?..

ПАШМАҚ ҲОЛВА

Ҳангома

Нормўмин ака, қаранг,
Шошиб кийинди аранг.
Сирдарёга олди йўл,
Уртоқлари дер: "Тез бўл!"
Сирдарёда кўп юрди,
Турли манзара кўрди.
Меҳмонда хўп бўлишди,
Ширин суҳбат қуришди.
Қаитишда қилди бозор,
Катта-да ахир рўзғор.
Ул-бул харид қилишди,
Пашмақ ҳолва олишди.
Мақташар байбайлашиб,
Татиб кўрди ҳайлашиб.
Сўнг йўл олди уй томон,
Етиб келди соғ-омон.
Акам сигнални босди,
Янгам зшиқни очди.
Машинадаң тушиб эр,
Хотинига шундай дер:
-Пашмақ хотин бормисиз,
Сўзларимга зормисиз?
"Пашмақ" сўз оғир ботди,
Сўнг эрига гап қотди:
-Эмасман мен сизга зор,
Ёруғ олам менга тор.
Бу тепакал эрдан дод,
Умрим ўтмади ҳеч шод.
Отимни дейди "пашмақ",

Эссиз, бўпмизда ахмоқ,
Хўжам, ўзингга бир боқ,
Кейин ноғарангни қоқ,
Туришига бир қаранг,
Боши тепакал таранг,
Оғир ботиб бу сўзлар,
Ҳазабга келди кўзлар.
Акам қовоғин уйди,
Таъна-дошномга тўйди.
Тушунмаганга йўйди,
Янгамга шундай деди:
-Бўлди қил, хой виждонсиз,
Сўзни англамас, онгсиз.
Емон сўз эмас пашмақ,
Билмадинг-а, сөн ахмоқ.
Мендан нолима зинҳор,
Айт-чи, қачон бўлдинг хор?
Бут бўлса доим устинг,
Рўзғорда йўқ кам-кустинг.
“Пашмақ” сўзи шириндир,
Эссиз ширин сўзим дер...

ИККИ ДЎСТ

Ҳазил

Бизда икки ўртоқ бор,
Иккиси ҳам директор.
Муаммо, ташвиши бир,
Орасида йўқдир сир.
Дўстлар бир-бирига мос,
Феъллари ҳам жуда хос.
Юришар доим иноқ,
Ҳеч бири эмас чиноқ.
Сизга айтсам мен шуни,
Кетаётсам бир куни,
Икки дўст чиқиб қолди,
Сўнг қайгадир йўл олди.
Орқадан тушди кўзим,
Елфон эмас чин сўзим.
Во дариг! Бир хил бошлар,
Тенг тўкилган-ку сочлар.
Таърифга гар келса гал,
Иккиси ҳам тепакал.

МУНДАРИЖА

Ватан.....	3
Қашқадарё.....	4
Юрт аскарларига.....	5
Шеърим.....	6
Наврўз.....	7
Гулшаний бобо.....	8
Баҳор.....	10
Маликанинг шеъри.....	11
Қушлар.....	13
Ошиқлар оҳига кулоқ тутдим.....	14
Кулча нон.....	15
Эртак.....	16
Ўғит.....	17
Кимёгар.....	18
Кўнғирок.....	19
Бўри.....	20
Айиқ.....	21
Тулки.....	22
Ялмоғиз.....	23
Олмаҳон.....	24
Қуён.....	25
Мушук.....	26
Араз.....	27
Пашмақ ҳолва.....	29
Икки дўст.....	30

АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШР

Дилором БОЙТРОВА

ҚУЁШ БОҒЛАРИ

Шеърлар

Техник муҳаррир: Самандар Мусаев.

Мусаҳҳиҳ: С. Ҳожиев

Компьютерчи: Алиёр Муродов

ИБ № 0851

Теришга 14.05.2005 йилда берилди. Босишга 19.05.2005 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 $\frac{1}{16}$. Газета қоғози. Офсет усулида чоп этилди. Шартли босма табағи 2,03. Шартли бўёқ-оттиск 2,02. Нашр босма табағи 2,0. 500 нусхада. 57 -2005 -шартнома. № 20-69 - буюртма. Эркин нархда.

“Насаф” нашриёти, 730018, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

“Графика” МЧЖ 730018, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.